

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

7/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Umurqulov Kamoliddin

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI 9-12

Muhamedov Asror

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR 13-22

Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna

SOVET DAVRIDA KITOV TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA
AMALIYOTLARI 23-30

Сабитова Коринна Сабировна

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ 31-37

Vaxabov Azizjon Xamidovich

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA
ELCHILIK ALOQALARI 38-44

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH
MASALALARI 45-51

Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboyevna

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQRISHIDA TEXNIK SALOHİYATDAN FOYDALANISHNING
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI 52-57

Самадов Салохиддин Исматович

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ..... 58-66

Хуррамов Азамат Файзуллаевич

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ 67-74

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Sharipov Abdukhakimjon Ziyotdinovich

YANGI O'ZBEKISTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARISHLAR
DINAMIKASI 75-80

Mustafaev Alimardon Alijonovich

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT 81-89

Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" 90-95

Shadmanov Qurbon

FRENSIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH
G'OYALARI 96-101

Usmonov Farkhod Lapasovich

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI 116-121

Xudoynazarova O'g'lonoy Allamurodovna

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR
TASNIFI 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL 133-138

Aripova Aziza Xasanovna

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI 149-153

Зокирова Шахзода Нодиржон қизи

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ 154-158

Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE 159-163

Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI..... 164-169

Negmatova Mumtozbeqim

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY
MASALALARI 179-183*Сеитниязов Камарбек Парахатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ 184-191

Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич

ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА
НАЗОРАТИ 192-198

Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING

HUQUQIY ASOSLARI 199-210

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ

АСОСЛАРИ 211-218

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna

RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'P
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI 219-222

Rabbimova Nodira Tashtemirovna

FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING

PEDAGOGICAL APPROACHES 223-227

Саидова Камола Усканбаевна

КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ
МЫСЛИ 228-233

Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ 234-239

Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ 240-245

Buronova Iroda

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI

RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI 246-250

Matyakubova Feruza Egamovna

ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND

MODERN EDUCATION 251-254

Received: 10 September 2024
Accepted: 15 September 2024
Published: 25 September 2024

Article / Original Paper

ANALYSIS OF HUMAN CAPITAL BASED ON THE PROCESS-RESULT PRINCIPLE

Xurramov Azamat Fayzullayevich

Professor of Karshi engineering-economics institute, doctor of economic sciences

Email: azamat.khurramov@mail.ru

Abstract. The article discusses human capital, its manifestations, and the research findings of foreign scholars in this area. The state of human capital development in Uzbekistan and its representation in international indices are compared with the indicators of other countries. Indicators characterizing the development of human capital as a process and as a result have been identified. Conclusions on the topic are provided.

Key words: human capital, knowledge index, rating, population health, education, knowledge economy index, innovation index, human development index, happiness index.

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ

Хуррамов Азамат Файзуллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, и.ф.д.

Аннотация. Мақолада инсон капитали, унинг намоён бўлиш хусусиятлари ва хорижий мамлакатлар олимларининг бу борадаги тадқиқот натижалари ҳақида фикр юритилган. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ҳолати ва унинг халқаро индексларда намоён бўлиши дунё мамлакатлари кўрсаткичлари билан таққосланади. Инсон капиталини ривожлантиришни жараён ва натижа сифатида тавсифловчи кўрсаткичлар аниқланган. Мавзу бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, билим индекси, рейтинг, аҳоли саломатлиги, та'лим, билим иқтисодиёти индекси, инновациялар индекси, инсон тараққиёти индекси, бахт индекси.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N09>

Кириш. Мамлакатимизда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб эканлигини таъкидлаб ўтилган. Олий таълим тизими инсон капиталини такомиллаштиришда ҳамда давлатнинг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим дастакдир. Бу ҳақда мухтарам Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар:

“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир” [1]. Шу муносабат билан олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали инсон капиталини такомиллаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш муаммосини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили ва методология. *Инсон капитали ривожланишини тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари* куйидаги хорижлик олимлар Ж.Бен-Порет, А.Маршал, Л.Туро, Т.Сакайя, У.Дайзард, Г.Бекер ва Т.Шульц томонидан ривожлантирилган.

Россиялик олимлардан И.Т.Корогодин, Д.А.Шевченко, А.О.Сергеева, М.Д.Черкашин, Л.Л.Редько, П.В.Солодуха, И.В.Грузков, В.Н.Грузков, А.В.Ткаченко, В.А.Титов, Р.И.Капелюшников, И.Реморенко, И.Рожков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари билан республикаимиз олимларидан академик Қ.Х.Абдурахмонов, Р.А.Убайдуллаева, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Г.Қ.Абдурахмонова, С.А.Бозорова ва бошқаларнинг мазкур соҳага даҳлдор илмий тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин.

Инсон капитали ривожланиши назариясининг келиб чиқиши классик сиёсий иқтисод мактаби вакилларининг иқтисодий таълимоти билан бошланган. У.Петти Англияда классик сиёсий иқтисод мактабининг биринчи асосчиларидан бири бўлиб, янги иқтисодий категорияни – “жонли ҳаракатланувчи инсон кучлари”ни жорий қилди [2, 9-6].

Иқтисодий фандаги неоклассик мактаби вакили И.Фишер ҳам капитал таърифига инсонни киритган. Унинг фикрича, кўникма ва механика инсондан ташқари алоҳида капитал эмас, малакали механикнинг ўзи ҳам капитал сифатида таснифланиши керак, [3, 51-6] деб таъкидлаб ўтган.

Замонавий инсон капитали ривожланиши назариясининг асосчиси Т.Шулц инсон томонидан қўлга киритилган, тегишли инвестициялар ҳисобига такомиллаштирилган, кучайтирилган ва ривожлантирилиши мумкин бўлган қимматли қобилиятларни биз инсон капитали деб атаймиз дейди [4, 27-6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, инсон капиталини аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир [5, 37-6].

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантикий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилади.

Муҳокама. Инсон капиталини ривожлантириш натижаси бу унинг сифат хусусиятларининг жамғарилиши ҳисобланади. Давлат ҳам таълим ва соғлиқни сақлаш тизими сифатини оширига харажат қилиши натижасида ўз миллий инсон капиталини бойитади, бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилидир [6, 103-6].

М.А.Гилтман ва В.В.Пить таъкидлаб ўтадики, “Ҳозирги кунда инсон капиталини учта асосий компонент бўйича тавсифлаш одатий ҳолдир: фаровонлик, саломатлик ва

умр кўриш давомийлиги, таълим ва маданий даража [7, 26-6]. Ушбу ташкил қилувчи таркибий қисмлар инсон капитали таркибий элементлари ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, инсон капиталини ривожлантиришини тадқиқ этиш учун инсон капиталини ривожлантиришни жараён сифатида ва натижада тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун “жараён-натижа” тамойилини қўллаш керак. Саломатлик инсон капитали элементларидан бири бўлиб, унинг ҳолати кўп жиҳатдан уни яхшиланиши, такомиллашувига боғлиқ. Одатда илмий иқтисодий адабиётларда саломатлик касалликларнинг йўқлиги ёки мавжудлиги нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Соғлиқнинг қониқарсиз ҳолати унумдорликни пасайтиради: жисмоний жиҳатдан заиф ва бемор ишчилар ўз инсон капиталини тўлиқ амалга ошира олмайдилар, шу сабабли ташкилотлар ўз ходимлари соғлиғига инвестиция киритадилар [8, 104-6].

2022 йилда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 6 384,2 млрд. сўмга, яъни, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 1,8 %га етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 111,5 % ни ташкил этган. Таққослаш учун: 2018 йилда ушбу хизматлар ҳажми 2 220,0 млрд. сўмни ёки кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 1,5 % ини ташкил этган. Натижада соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасига ажратилган инвестициялар натижасида Ўзбекистон Республикасида бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони бўйича ва бир койкага тўғри келадиган аҳоли сони бўйича МДХ давлатлари ўртасида барқарор ўртача кўрсаткичларга эга. Бунинг асосий омилларидан Республикамизда МДХ мамлакатларига нисбатан аҳолини нисбатан юқори даражада ўсиши ҳам катта таъсир қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони 369 тани, Тожикистонда 457 тани, Россияда 197 тани ҳамда бир койкага тўғри келадиган аҳоли сони бўйича Ўзбекистонда 213 та, Тожикистонда 224 тани, Россияда 126 тани ташкил қилмоқда.

Америкалик иқтисодчи Саймон Кузнец томонидан таклиф этилган аҳоли турмуш даражасини макроиқтисодий баҳолашда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи сўнги юз йил давомида жаҳонда инсон капиталини ривожланиш, унинг сифат кўрсаткичларини такомиллашуви даражасини ифода этувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қилиб келди. Бироқ, бугунги кунда жаҳонда глобаллашув жараёнларини кучайиши, унда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида бу кўрсаткич ўзига юклатилган вазифани тўла ифода эта олмай қолди. Жаҳон саҳнасида инсон капиталини ривожланиш ва унинг сифат кўрсаткичларини такомиллашуви даражасини ифода этувчи янги халқаро индекс кўрсаткичлар: глобал инсон тараққиёти индекси, глобал рақобатбардошлик ва инновацион индекслар, глобал иқтисодий билим индекси ва бошқа индекслар кириб келди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизминини жорий қилиш тўғрисида”ги [9] ПФ-6003 сон фармони қабул қилинди. Фармонда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда

мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Чунки, бугунги кунда жаҳон экспертлари ва инвесторлар мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ва унда инсон капиталини ривожланиши ҳамда унинг сифат кўрсаткичларини такомиллашуви даражасини баҳолашда ушбу индексларга катта эътибор қаратмоқда.

Натижалар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) ва Жаҳон банки маълумотлари асосида ўз аҳолисининг соғлиғи ҳолатига кўра дунё мамлакатлари рейтинги тақдим этилади. Тадқиқот учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлаб чиқилган: соғлиқни сақлаш даражаси, соғлиқни сақлаш индекси ва соғлиқ учун хавф индекси. Шунга кўра, Ўзбекистон жаҳон рейтингида 188 мамлакат орасида 55 ўринни эгаллаган. 2021 йилда соғлиқни сақлаш даражаси бўйича дунё мамлакатларининг рейтинги шуни кўрсатадики, дунёдаги “энг соғлом” мамлакат максимал балл тўплаган Сингапурдир. Ўзбекистон Республикаси МДХ ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринда. МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистондан кейинги ўринни Туркменистон эгаллаган (60-ўрин). МДХнинг бошқа аъзолари қуйидагича ўринга жойланган: Озарбайжон (75), Молдова (80), Қозоғистон (85), Арманистон (86), Тожикистон (99), Қирғизистон (113), Украина (118), Россия (119) ва Белоруссия (120).

Бизнинг фикримизча, бу Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизими МДХ мамлакатлари орасида юқори ўринларда туришидан далолат беради. Инсон капитали нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш миллий бойликни шакллантиришда бевосита иштирок этадиган соҳадир. Соғлиқни сақлаш тизими инсонларнинг соғлиғини тиклашга қаратилганлиги сабабли, давлат учун ушбу соҳа фаолиятининг иқтисодий маъноси мамлакатнинг инсон капиталини тиклаш ва унинг қийматини оширишдан иборатдир.

Соғлиқни сақлаш харажатлари ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, давлат ва жамиятнинг фуқаролар саломатлигига бўлган эътиборини акс эттиради. Шундай қилиб, инсон капиталини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган соғлиқни сақлашнинг ижтимоий соҳасидаги ҳақиқий харажатлар энг ривожланган мамлакатларга қараганда анча паст. Масалан бу кўрсаткич бўйича АҚШ (17,1%ни), Германия (11,2%ни), Франция (11,3%ни) ташкил қилган бўлса, МДХ мамлакатларида: Россияда 5,3%ни, Белорусияда (5,9%ни), Қирғизистонда 6,2%ни, Қозоғистонда 3,1%ни, Ўзбекистон 6,4%ни билан етакчилик қилмоқда.


Соғлиқни сақлаш тизимини барқарор ва тўлиқ молиялаштиришгина инсон капиталини самарали шакллантириш, сақлаш ва ривожлантиришнинг калитидир. Тиббий ёрдамнинг мавжудлиги касаллик, жароҳатлар, ногиронликни камайтиришга, умр кўриш давомийлигини оширишга ва инсонларга меҳнат фаолияти жараёнида самаралироқ бўлишга ёрдам беради.

Аҳолининг саломатлик ҳолатини ўрганишнинг асосий омилларидан бири ўлим ва унинг сабаблари кўрсаткичидир. Ўзбекистон умумий ўлим коэффициенти бўйича МДХ таркибига кирувчи давлатлар орасида энг пастлиги билан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистонда умумий ўлим коэффициенти Россия, Украина давлатларига нисбатан 2,5-

3,0 марта, Қозоқистонга нисбатан эса 1,5 марта кам. Қирғизистон давлатига нисбатан 1,0 промиллега кам. Тожикистонга нисбатан эса 0,8 промиллега кўп [10, 17-6].

Бугунги кунда цивилизациялашган мамлакатда ҳар қандай меҳнат билим ва таълимни талаб қилади. Таълим инсон билимлари даражасини оширишга, инсон капитали ҳажми ва сифатини ривожлантиришга ёрдам беради. Инсон капиталининг ўсиши ва унинг барча элементларининг сифатли такомиллашуви, яъни инсон капиталининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини амалга оширади. Юқори малакали мутахассисларнинг меҳнати иқтисодий ўсишга таъсир қилади. Шунинг учун, давлатнинг миллий хавфсизлик стратегиясида барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири бу иқтисодий ўсишдир, бу биринчи навбатда миллий ва инновацион тизимни ривожлантириш ва инсон капиталига инвестициялар орқали эришилади. Таълим ўз-ўзини англаш учун имконият яратади, инсонларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг моддий фаровонлиги ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади. Реал новаторларнинг асосий қисми олий касбий маълумотга эгадир. Инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашнинг муҳим шарти меҳнатга лаёқатли аҳолининг доимий малакасини оширишдир [11, 158-6].

Жаҳон банки мамлакатлардаги таълим даражаси ва сифатини баҳолаш учун билимларни махсус дастури доирасида мамлакатларнинг билимларни яратиш, тарқатиш ва қабул қилиш қобилиятини баҳолаш асосида билимлар иқтисодиёти индексини ишлаб чиқди. Билимлар иқтисодиёти индекси (БИИ) асосини ўртача тўртта индекс ташкил этади: иқтисодий ва институционал режим индекси, таълим индекси, инновациялар индекси ва ахборот технологиялари ва коммуникациялари индекси йиғиндисидир.



1-расм. Жаҳоннинг ривожланган ва МДХ мамлакатларида глобал билимлар иқтисодиёти индекси (2022 йил) [12].

Билимлар иқтисодиёти постиндустриал иқтисодиёт ривожланишининг энг юқори босқичи бўлиб, унда инсон капитали ва билим ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади. Билимлар, номоддий активлар ва интеллектуал капитал иқтисодиётининг асосини ташкил этади ва у миллий бойлик таркибида бундай номоддий активларнинг қийматини моддий активлардан сезиларли даражада устунлиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, билимлар иқтисодиётининг моҳияти

шундан иборатки, унда асосий рол технологияларга эмас, балки инсонга тегишлидир, чунки у янги билимлар генерациясини яратади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий этиш имконини беради.

Глобал билимлар иқтисодиёти индексига кўра, жаҳонда биринчи ўринда АҚШ, иккинчи ўринда Швейцария ва учинчи ўринда Швеция турибди. Ўзбекистон жаҳон рейтингда бугунги кунда 86 ўринда турибди. Россия Федерацияси 53 ўрин, Қозоғистон 78 ўрин, Қирғизистон 87 ўрин, Тожикистон 106 ўрин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз рейтингини янада яхшилаш учун ИТТКИда ортда қолган кўрсаткичлар масалалари устида ишлаш керак: илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, олимларнинг нуфузли журналларда мақолаларини нашр этиш, иқтибосларни кўпайтириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, бизнес соҳасининг илмий ишланмаларга қизиқишини ошириш, корхоналарга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш керак [13, 59-6]. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мамлакатда инсон капитали билан боғлиқ ҳаракатларни янада кучайтириш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга эътибор бериш, аниқ фанларга эътибор қаратиб, ИТТКИни амалий натижаларда акс эттириш зарур.

Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларига инновация ва технологияларни кенг жорий этиш, инсон капиталини ривожлантириш, фан ва инновацияларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегияси қабул қилинди. Асосий мақсад - 2026 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига кириш. Бу йил ушбу индексда Швейцария 1 ўринни, Корея - 6, Хитой - 11, Россия - 47, Беларус - 77, Арманистон - 80, Қозоғистон - 83, Озарбайжон - 93, Қирғизистон - 94, Тожикистон - 104 ўринни эгаллади. Ушбу индекслар инсон капиталининг такрор ишлаб чиқаришини тавсифловчи кўрсаткичлар тўпламидир.

1-жадвал

Жаҳоннинг ривожланган ва МДҲ мамлакатларида глобал инновацион индекси (2022 йил) [14].

Жаҳондаги ўрни	Жаҳон давлатлари	Рейтинги
1	Швейцария	67.6
2	АҚШ	63.5
4	Буюк Британия	62.4
8	Германия	58.8
11	Франция	56.0
51	Россия	33.3
80	Белорусия	26.8
81	Қозоғистон	26.7
82	Ўзбекистон	26.2
106	Қирғизистон	20.2
111	Тожикистон	18.3

Глобал инновацион индекснинг 2022 йил учун рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон 132 мамлакат орасида 82-ўринни эгаллаб, ўтган йилга нисбатан тўрт

поғонага кўтарилди. 2015 йилда Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 122-ўринни эгаллаган эди. Бу йилги рейтингда Ўзбекистон ўртача даромади паст бўлган мамлакатлар гуруҳи орасида 10-ўринни, марказий ва жанубий Осиё мамлакатлари орасида Эрон ва Ҳиндистондан кейин 3-ўринни эгаллади. марказий ва жанубий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон институтлар, инсон капитали ва илмий-тадқиқот, инфратузилма, ички бозорнинг ривожланиш даражаси каби кўрсаткичлар бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

Инсон капиталининг сифат кўрсаткичларини такомиллашуви ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлардан яна бири бу инсон тараққиёти индекси (ИТИ). “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”да мамлакатда Инсон тараққиёти индекси рейтингини 105-ўриндан 40-ўринга кўтариш прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида Инсон тараққиёти индексига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазифалар белгиланганини таъкидлаш лозим. Бу аҳоли жон бошига ўртача даромадни 1,6 баравар ошириш (Тараққиёт стратегиясининг 21-мақсади), мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизгача (38-мақсад), олий таълим билан - 50 фоизгача ошириш (46-мақсад), тиббий хизматлар сифатини ошириш (55-64-мақсадлар)га тааллуқлидир. Тараққиёт стратегиясидаги ушбу мақсадли кўрсаткичларни амалга ошириш Инсон тараққиёти индексини 0,726 дан 0,820 гача ошириш ҳамда “Инсон тараққиёти юқори бўлган мамлакатлар” тоифасидан “Инсон тараққиёти жуда юқори бўлган мамлакатлар” тоифасига ўтишини таъминлайди.

Инсон яралибдики, бахтга интилиб яшайди. Фалсафий жиҳатдан Фаробий таъбири билан айтганда, инсон мутлоқ бахтга фақат ақл-идрок орқали эришиши мумкин [15, 80-6]. Мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш даражасини ифода этувчи сифат ва миқдор кўрсаткичлардан бири бу мамлакат аҳолисининг бахтлилик рейтинги (World Happiness Report) бўлиб ҳисобланади. Бутунжаҳон бахт ҳисоботи-бу дунё мамлакатларида аҳолининг бахт индексини ўлчайдиган халқаро тадқиқот лойиҳаси бўлиб ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, соғлиқ, ижтимоий таъминот, асосий ҳаётий қарорларни қабул қилишда эркинликни ҳис қилиш, сахийлик ва коррупциянинг йўқлиги - буларнинг барчаси турли мамлакатлар фуқароларининг ҳаётини баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Кўплаб олимларнинг фикрларига кўра, давлатларнинг турли ўлчамларга кўра солиштирилишида миллий даромадга қараб эмас, бахтлилик кўрсаткичи асосида амалга оширилиши керак. Шунинг учун, бахтлилик даражасини ўлчашда инсонларнинг тадқиқ этилаётган давр мобайнида ўзларини қандай ҳис қилишларини тизимлаштирилган ўлчови зарур. 2022 йил World Happiness Report рейтинги бўйича Ўзбекистон 165 та мамлакат орасида 6,063 рейтинг балл билан 53-ўринни эгаллади. Ўзбекистон 2013 йилда энг кам 5,62 балдан 2022 йилга келиб энг кўп 6,063 балл кўрсаткичини қўлга киритган.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида юқори кўрсаткичларни сақлаб қолмоқда. Жумладан, Қозоғистон 50-ўрин, Тожикистон 71-ўрин, Россия 73-ўрин, Қирғизистон 74-ўрин ҳамда Туркменистон 95-ўринни эгаллаганлар. Мазкур индекс бўйича Финляндия уч йилдан бери кетма-кет 7,80 кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. У дунёдаги бахтли

давлат деб топилган. Кейинги ўринларни Дания (7,64), Швейцария (7,56) ва Исландия (7,5) эгаллаб турибди.

Хулоса. Хулоса сифатида биз инсон капиталини ривожлантиришни жараён ва натижа сифатида тавсифловчи кўрсаткичларни аниқладик. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро глобал соғлиқни сақлаш даражаси индексида 53 ўрин, соғлиқни сақлашга сарфлаган миллий харажатлар даражаси бўйича рейтингида 59 ўрин, глобал билимлар иқтисодиёти индексида 86 ўрин, глобал инновацион индексида 82-ўринни, инсон тараққиёти индексида 100 ўринни, Жаҳон бахт ҳисоботи рейтингида 53-ўринни эгаллаб турибди. Шунинг учун давлат соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини етарли даражада молиялаштириш керак. Фақат билимли ва соғлом турмуш тарзига эга бўлган инсонгина ўз капиталини доимий узлуксиз ривожлантириш имкониятига эга. Уларнинг барчаси биргаликда жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятларни ривожлантириш инсон капиталини янги мазмун билан бойитади, уни янада сифатли ва самарали қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь.
2. Петти У. Экономические и статистические работы / У. Петти. – М. : Соцэкгиз, 1940. – С. 81.
3. Fisher I. Senses of Capital / I. Fisher // Econ. J., VII (June, 1897). – P. 201-202; Fisher I. The Nature of Capital and Income / I. Fisher. – London: Macmillan & Co., 1927. – P. 51-52.
4. Schultz T.W. Investments in Human Capital: The Role of Education and of Research / T.W. Schutz. – New York: Macmillan & Co., Free Press, 1971. – P. 26-28.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат, 2009. - Б.182.
6. Абдурахмонова Г.К., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини ракамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йуналишлари”. Монография. —Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 2020. —127 б.
7. Гильтман М.А. Формирование человеческого капитала в системе экономических отношений / М.А. Гильтман, В.В. Пить // Вестник ТюмГУ. – 2009. - № 4. – С. 247.
8. Асамходжаева Ш.Ш. Инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари. Журналъ. Iqtisodiyot va ta'lim / 2023-yil 1-son. Б.102-110.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003 сон фармони.
10. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами 2018. Госкомстат. Т.: 2019 184 бет
11. Маматов А.А. ОТМ лар ўртасида кластер тизимини ташкил этиш Карши Мухандис иқтисодиёт институти илмий-амалий конференцияси 158 -161 бетлар.
12. <https://issek.hse.ru/news/777572032.htm>.
13. Хасанхонова Н.И. Глобальный индекс знаний Республики Узбекистан. Журналъ. “Иқтисод ва молия”. 2023 й. № 5 сон. Б.56-61.
14. <https://gtmarket.ru/ratings/global-innovation-index>.
15. Sušić, K. Pojam sreće u fi lozofi ji al-Fârâbîja: Klasični izvori i utjecaji na srednji vijek [PhD Thesis]. 2017, P. 80-93, Available at: <http://darhiv>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/7 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).